

---

## “Тарғибот гуруҳи”нинг тадбири

Республика Маънавият ва маърифат маркази Риштон туман бўлинмаси ходимлари, туман дин ишлари бўйича бош мутахассиси, туман ИИБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори ҳамкорлигида г Хожиқишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини биносида “Диний бағрикенглик, оиладаги диний муносабатлар ҳамда ёшлар ўртасида (диний, замонавий) кийиниш маданияти” ва “30 июль – Одам савдосига қарши курашиш куни” мавзусида МФЙдаги фуқаролар ўртасида маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича “Тарғибот гуруҳи “ аъзолари билан давра суҳбати олиб борилди. Суҳбатда хушёрлик давр талаби эканлиги, оилада ёшлар тарбиясига эътиборсиз бўлмаслик уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, чет элларга ишлаш учун кетган оила аъзолари билан телефон орқали мунтазам мулоқот олиб бориш тўғрисида суҳбатлашилди. “Тарғибот гуруҳи” аъзоларига маҳаллада айниқса аёллар, хотин-қизлар, ёшлар ўртасида тушунтириш тарғибот ишларини МФЙ ходимлари билан ҳамкорликда кучайтириб олиб бориш кераклиги тушунтирилди.

2021-07-26 18:46:31